



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2017 йил 15 ноябрь, № 230 (6924)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САМАРҚАНДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯДАГИ НУТҚИ ХОРИЖИЙ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқандда бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи хорижий оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинмоқда. Уларда қайд этилишича, давлатимиз раҳбари томонидан конференцияда илгари сурилган ташаббуслар Марказий Осиёда ҳамкорлишни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, минтақада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилади.

ШХТ котибяти расмий сайти (sectsco.org) Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги сўзларига алоҳида эътибор қаратган: «Минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш, шунингдек, барча Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажак учун масъулиятни ҳис этиши минтақанинг барқарор ривожланиши ва фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори ва кафолатидир».

Интернет нашрида, шунингдек, Ўзбекистон Президенти «хавфсизликка таҳдидларни кўзиники ва ўзгаларники» деб ажратибдан воз кечишга ишонч билдирган ҳолда, ушбу соҳада ШХТ доирасида ва БМТнинг мувофиқлаштиришда туганган ўрнига таянган ҳолда, «минтақавий тузилмалар механизмлари доирасида ўзаро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш»га қўйилган қайд этилган.

Россиянинг «Спутник» аниқликлар портали (sputniknews-uz.com) Шавкат Мирзиёев халқаро конференцияда иштирокчилари ва меҳмонларни кўлаб, Ўзбекистон бахли масалаларини тезроқ ҳал қилиш ва ўзаро ишонч янада мустаҳкамлаш тарафдорлигини эканлини таъкидлагани хусусида ёзади.

«Спутник» Ўзбекистон Президентининг куйидаги сўзларини келтиради: «Давлатларимиз айлани яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади. Ишончим комил, бундан барча — Марказий Осиё давлатлари ҳам, бошқа мамлакатлар ҳам бирдек манфаат кўради».

Ўзбекистон Президенти ҳамкорлиқнинг минтақалараро механизмининг мустаҳкамлаш ташаббуси билан чиқди. Нашр давлатимиз раҳбарининг куйидаги сўзларини келтиради: «Минтақалараро ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Шу муносабат билан Марказий Осиё

давлатларининг ҳудудлар раҳбарлари (ҳокимлари) бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини тасвир этишни тақлиф қиламан. Ушбу механизмлар бутун Марказий Осиёда барқарор ривожланишни таъминлаган ҳолда, мамлакатларимиз ҳудудларининг sanoat, investitsiya ва intellektual sohalardaги салоҳиятини тўла ишга солиш имконини беришига ишонаман».

Қозғоғистоннинг «Kazinfo» ахборот агентлиги (kaznews.kz) Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё мамлакатлари Транспорт коммуналацияларини ривожлантириш бўйича умумминтақавий дастур ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақлиф этгани ҳақида ёзган.

Интернет нашри, шунингдек, Ўзбекистон Президенти минтақанинг транзит-логистика салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш ва транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш истиқболларини қайд этганига алоҳида ургу беради.

«Kazinfo» Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги сўзларини келтиради: «БМТ экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида самарали кооперация алоқалари 10 йил мобайнида минтақавий ялпи ички маҳсулотни камида икки баробар ошириш имконини берган бўлар эди».

Қозғоғистоннинг «24KZ» телеканали (24.kz) Президентимизнинг Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий форумини ташкил этиш, минтақа мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлиқни янада кенгайтириш зарурлиги ҳақидаги ташаббуси ўта муҳим эканини таъкидлаган.

«Оддий ва очик инсоний мулоқот — минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир, дея таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев», деб хабар беради телеканал.

МДХ Ижроия қўмитаси расмий сайти (cls.minsk.by)да МДХ Ижроия қўмитаси раиси — Ижроия котиби Сергей Лебедевнинг бугунги кунда Марказий Осиёда интеграциялашув жараёнларини

мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун янги имкониятлар очилаётгани ҳақидаги фикри баён этилган. Унинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг минтақа давлатлари билан ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, барча муаммолар масалаларда оқилона муросага эришиш, барқарор ривожланиш учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратишга қаратилган ташқи иқтисодий сиёсати ҳам бунга хизмат қилмоқда.

Интернет нашрида баён этилишича, С. Лебедев Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқида мамлакат ташқи сиёсатининг устувор жиҳатларини қайд этиб, ўтқири минтақавий ва глобал муаммолар, шунингдек, уларни бартараф этиш йўллари хусусида батафсил тўхталиб ўтгани, Марказий Осиёда халқаро мулоқот ва ҳамкорлиқнинг изчил маконини яратиш йўллари баён этганини эслатиб ўтган.

Ҳиндистоннинг «DNA» ахборот агентлиги (dnaindia.com) диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш муаммоси Ҳиндистон учун ҳам долзарб аҳамият касб этишини қайд этган. Шавкат Мирзиёев экстремизм ҳақида диний матнларнинг нотўғри талқин қилинишига қарши самарали интеллектуал воситалар ёрдамида курашини таъминлаш мақсадида Самарқандда ташкил этилаётган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда ташкил этилаётган Ислам цивилизацияси маркази ҳақида маълумот берган.

Интернет нашри Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ҳиндистон учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга эканини қайд этган, чунки Ҳиндистоннинг диний ўқув муассасаларидаги ақсарият диний матнлар ва ўқув режалари Имом Бухорийнинг илмий ишларига асосланган.

«DNA» Шавкат Мирзиёевнинг куйидаги сўзларига алоҳида ургу беради: «Бизнинг бош мақсадимиз — умумий сўй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққиёт этган минтақага

айлантиришдан иборат. Бунинг учун биз турли низоларни қўзғайдиган ва унга кўмаклашадиган сабаб ва омилларга биргаликда барҳам бермоғимиз, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олиш асосида миллий ривожланиш таъминламоғимиз зарур». Ўзбекистон раҳбари минтақада барқарор ва изчил тараққиётнинг истиқболлари кўшни Афғонистонда тинчлик ўрнатиш билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлаган.

Ахборот агентлиги Ўзбекистон Президенти нутқидан: «биринчи галда ёшларни илм-маърифатга ўргатиш, уларга ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, ислом маданиятининг асл қадриятларини етказиш экстремизмга қарши курашининг энг самарали воситаси ҳисобланади. Бу борада биз Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкентда Ислам цивилизацияси марказини ташкил этишга қарор қилдик», деган иқтибосни келтирган.

Шунингдек, Ҳиндистоннинг Россиядаги собиқ дипломатик вакили Ашок Мукержининг Марказий Осиёнинг бағрикенглик тамойилларига асосланган ислом динининг бой қадриятлари Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ҳиндистон билан муносабатларида миллий муштараклиқни мустаҳкамлашда алоҳида аҳамият касб этиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар келтирилган. «Ушбу мерос ҳадисларга тартиб бериш бўйича Имом Бухорийнинг Марказий Осиё охиётиг илмида тутган макрими, жумладан, Беруний, Форобий, Улуғбек сингари буюк олимлар ҳамда суфийлик таълимотининг етуқ намоёндалари Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд илмий ва гуманитар ҳиссаси билан белгиланади», деб таъкидлайди Ҳиндистонлик дипломат.

Россиянинг «Спутник» аниқликлар портали (sputniknews-uz.com) Самарқандда бўлиб ўтган ва 500 дан ортиқ иштирокчи қатнашган конференция ишини юқори баҳолади: «Тадбирда Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи сиёсат маҳамалари раҳбарлари, МДХ, Европа, Осиё ва Америка давлатларининг расмий делегациялари, 10 дан зиёд халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, ЕИ, ЕХТ, ШХТ, МДХ, ЕТБ вакиллари, 100 га яқин нуфузли халқаро экспертлар, етакчи хорижий ОАВ вакиллари ҳамда Ўзбекистонда акредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди».

Американинг «Дипломат» нашри (thediplomat.com) 10 ноябрь кунини дунёнинг турли мамлакатлари делегациялари хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича минтақавий конференцияда иштирок этиш учун Буюк Ипак йўлининг юраги — азия Самарқандда тўпланди, деб таъкидлайди.

Унда ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ягона тарих ва умумий келажак» номли конференция мавзусини баён этиб, узининг Марказий Осиёдаги аҳолиси энг эҳтимолий давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг биринчи йилининг устувор йўналишлари — яқин кўшничилик ва иқтисодий тараққиёт ҳақида сўзлаб берди.

Мазкур анжуманининг ўтказилиши Ўзбекистон раҳбариятининг очик ташқи сиёсат юритиш борасидаги қатъиятини аққол намоеън этди. Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи ишлар вазирлари ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш бўйича тақлифлар ҳамда ўзаро манфаатли, барқарор тараққиёт йўлидаги интилишларни кўлаб-қувватлади.

Қирғизистоннинг «Кабар» ахборот агентлиги (kabar.kg) ушбу форум Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессияси минбаридан туриб илгари сурилган ва Марказий Осиёда хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини амалга ошириш бўйича муҳим қадамлардан бири бўлди, деб ёзади.

Тожикистоннинг «Азия-Плюс» ахборот агентлиги (asiaplus.tj) ёзишича, Самарқанд конференциясининг ўтказилиши унинг иштирокчиларига минтақа хавфсизлиги ва тараққиётнинг долзарб масалалари хусусида фикр алмашиш, уларни самарали бартараф этиш йўллари бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш имконини берди. Форум иштирокчиларига Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий алоқалар, транспорт-коммуникация, сув энергетика, экология ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиқни ривожлантиришнинг аниқ йўналишлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва ҳамкор давлатларнинг минтақа мамлакатларининг глобал таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги салоҳиятини юксалтириш бўйича минтақавий лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашадиган тутган ўрнини муҳокама этишга хизмат қилди.

Ў.А.

Марказий Осиёда дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳити шаклланимоқда

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференция мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегияси доирасида чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ҳамда амалий ташқи сиёсат олиб борилаётганининг ва Ўзбекистон ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ҳамда аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш бўйича қатъий қадамлар ташлаётганининг аққол ифодаси бўлди.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев конференцияда алоҳида қайд этганидек, бизнинг бош мақсадимиз — умумий сўй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққиёт этган минтақага айлантиришдан иборат.

Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган минтақамиз халқларини ягона тарих, дин, умумий маданият ҳамда қардошлиқ ришталари боғлаб туради. Минтақа аҳолиси икки дарёдан сув ичган, яхши ва ёмон кунларда бир-бири-

ни кўлаб-қувватлаган. Халқаро анжуман қатнашчилари яқинлиқ билан эътироф этганидек, Марказий Осиё улкан имконият ҳамда салоҳиятга эга бўлган муҳим минтақадир. Бу ерда савдо-сотиқ, транспорт логистикаси ва туризмни ривожлантириш учун ишга солинмаган имкониятлар кўп.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон яқин кўшничилик, дўстлик тамойилларига таянган ҳолда, фаол ҳамда прагматик сиёсат олиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ёшлар жамиятни фаол ҳаракатга келтирувчи кучга айланиши зарур

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференция минтақа давлатлари ҳаётида яна бир янги саҳифа очди.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Энг аввало, шундай нуфузли тадбирнинг жаҳон сиёсий айвонига турли зиддиятлар, қарама-қаршиликлар тобора яққолроқ намоеън бўлиб бораётган бир пайтда ўтказилгани, унга тинчлик ҳамда ўзаро ишонч янада мустаҳкамлаш тарафдори бўлган Ўзбекистон мазбонлик қилгани, унда Марказий Осиё республикалари ташқи ишлар вазирлари, дунёнинг турли нуқталаридан ташриф буюрган юқори мартабали меҳмонлар, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шайхавий ҳамкорлик ташкилоти, Европада хавфсизлик ва

ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа йирик ташкилотлар нутқида Евросийнинг «юраги»да жойлашган минтақамиз табиий ресурсларга бой бўлиш билан бир қаторда, кўлаб мамлакатлар ва бутун минтақа ривожига сезиларли даражада таъсир кўрсатган ноёб маданият ҳамда тараққиёт салоҳиятига эгаллиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

БУНЁДКОРЛИК

Бахт ошёнларида қувонч онлари

Мана, бир неча кундирки, ёш шифокор Дилшод Эргашевнинг хонадонидан меҳмон аримайди. «Янги уй муборақ бўлсин!» дея қўнғироқ қилаётганлар ҳам кўп.

— Шу пайтгача нечта уйда ижарада турганимизни, очиги, ҳисоблаб беролмайман, — дейди унинг рафиқаси Юлдуз Эргашева. — Шукри, у кўнлар, қийинчиликлар ортда қолди. Энг қатта орзумиз рўйга чиқиб, шинам ҳовли-жойли бўлди. Энди ўзимизнинг хонадонимиз, уч нафар фарзандимиз эмин-эркин уйнаб-қулиб яшайдиган маконимиз бор.

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги «2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги қарори асосида Гулистон туманининг Мевазор маҳалласида қурилган икки сотихли ҳовлига эга уч хонали 38 та уйнинг барчасида шоду хуррамлик, хурсандчилик ҳукмрон. Бу

кўркам уйларида асосий яшаш иморатидан ташқари, ҳўжалик бинолари ҳам мавжуд. Дастурга асосан, уй соҳиблари учун кредит тўловида ҳам енгилликлар кўзда тутилган. Яъни дастлабки тўлов уй баҳосининг 15 фоизини ташкил этгани ҳолда, уч йиллик имтиёзли даврга эга ипотека кредити биринчи беш йилда 7 фоиз миқдордаги фоиз ставкаси билан 15 йил муддатга берилган.

Мирзаобод туманининг Деҳқонобод маҳалласида эса икки қаватли, ҳар бири 16 хонадонли иккита тураржой биноси тантанали равишда ўз эгаларига топширилди.

— Турмуш ўртоғим вафот этгач, фарзандим билан акамнинг уйда яшаб келайтган эдим, — дейди янги хонадон соҳибаси, ҳамшира Лутфия Суярова. — Яқинларим бағрида бўлсам-да, лекин барбид ўз уйим бўлишни орзу қилардим. Аммо тураржой сотиб олишга қўрбим өтмасди.

(Давоми 2-бетда).

НУРОНИЙЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАСИ

навқирон авлод тарбиясида муҳим ўрин тутди



ИБРАТ

Бугунги глобаллашув даврида кўпгина мамлакатларда одамлар турмуш тарзи, дунёқароши, шунингдек, миллий ва оилавий қадриятлар жуда тез сўратлар билан ўзгармоқда. Минг афсуски, шундай шароитда авлоддан-авлодга ўтиб келган

эзу аъналар секин-аста йўқолиб бораётгани ҳам рост. Замонавий ахборот макони биз учун мулоқот ёт бўлган гоёлардан холи эмас. У ҳали онги тўла шаклланиб улгурмаган ёшларни ўз домига осонг-

на тортаяпти. Айтиш жоизки, айнан оила, урф-одатларимизни ёъозлаш, бундай хуружларга қарши туриш, қадр-қимматимизни асраб-авайлаш ҳамда сақлаб қолишга ёрдам беради. Фарзандларимиз тарбиясида, оилавий қадриятлар

сақланиб қолинишида оила, маҳалла ва таълим муассасаларининг ҳамкорлиги ҳам муҳим роль ўйнайди. Таъсирчан воситалардан яна бири — кекса авлоднинг ҳаётий тажрибаси. Кўпни кўрган нурунийлар ҳаётнинг ишончли устуларидир. Улар ўтмиш, ҳозирги кун ҳамда келажакни бири-бирига боғлаб турувчи кўприк воситасини ҳам ўтайди. Нуруний отахону онахонларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш учун шарт-шароит яратиш, бир томондан, ана шу салоҳияти ҳаёт учун фойдали ишларга йўналтиришга хизмат қилса, бошқа жиҳатдан уларга ўз қобилиятларини ишга солиш ҳамда одамлар учун керакли эканликларини ҳис этиб, тўлақонли турмуш кечиришларига имконият яратди.

Шу боис мамлакатимизда кексаларга нафақат ғамхўрлик кўрсатишга, айни қорда уларнинг ҳаётда фаол қатнашиш учун шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.


(Давоми 2-бетда).

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Инсон манфаатлари — олий қадрият

...Ёмонга жазо бериш — гарчи қонун ва сиёсат юзасидан тўғри бўлса ҳам, аммо адолатли ҳукмдорнинг асл йўли — шафқат-муруватдир. Бир шахс ўлимга қанчалик сазовор бўлса ҳам, унинг ўлимини орқага суриш, бу ҳақда шоммаслик яхши... Алишер Навоийнинг «Сади Искандарий» дostonидан келтирилган бу парча азалдан халқимизда инсонпарварлик гоёлари улкан қадрият сифатида улуғланганидан далолат беради.

Шу боис истиқолнинг дастлабки кунлариданоқ ҳар бир инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқини таъминлашга қатта эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг Конституцияимизнинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш деб белгилангани ҳамда мазкур конституциявий нормани ҳаётга муваффақиятли татбиқ этишга қара-



тилган чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётгани мисолида ҳам қўриш мумкин. 2008 йилнинг 1 январидан қўлга кирган «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун бу борада муҳим қадам бўлган эди.

(Давоми 2-бетда).

НУРОНИЙЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ ТАЖРИБАСИ

навқирон авлод тарбиясида муҳим ўрин тутати

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида катта авлод вакилларининг жамият, оила ва маҳаллада тинчлик, хотиржамликни таъминлашдаги ролини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Бунда ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат, меҳр-оқибат ҳамда саховат каби халқимизга хос анъаналар руҳида тарбиялаш ишларига оқсоқоллар, қариялар ва фахрийларни кенг жалб этишга урғу берилган.

Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида жамоатчилик асосида фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари — кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилди. Бу эса маҳаллаларда кекса ёшдаги фуқароларнинг ёш авлоднинг халқимизнинг кўп асрлик анъаналарини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш борасидаги ўринини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Нуронийлар ишчи оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганишдан бошлади. Ўтган вақт давомида улар томонидан 415 мингдан зиёд оилалар ўрганиш қилинди. Натихада қарийб 98 мингта ижтимоий ҳамда маънавий кўмакка муҳтож бўлган оилаларнинг рўйхати шакллантирилди. Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 18 минг 800 дан

ортиқ оилаларга амалий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг тегишли тавсиялари асосида 9 мингдан кўпроқ оила тadbиркорлик қилиш ва уй ҳўжалигини кенгайтириш учун имтиёзли кредитлар олди. Зеро, оила турмуши фаровон бўлса, маҳаллада ҳам хотиржамлик ҳукм суради. Бундай хайрли

шига бутун умри давомида ҳамроҳлик қилади. Оилаларда маънавий муҳитни мустаҳкамлашда нуронийлар фуқаролар йиғинларининг ишончли таянчи ҳисобланади. Бугунги кунда ҳар бир маҳаллада "Нуронийлар жамоатчилиги кенгашлари" тuzилган бўлиб, улар маҳалла

Нуронийларнинг обрўси, албатта, баланд. Халқимиз уларга ишонди, қулоқ тутди. Ва бу тарбия жараёнида муҳим саналади. Ёшлар билан ишлаш, улар ўртасида қаровсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, уларни салбий таъсир ва ёт гоълардан сақлаш мақсадида ҳар бир шаҳар ҳамда туманда катта авлод вакилларидан иборат бештадан ишчи гуруҳ тuzилди. Гуруҳлар таркибидagi фахрийлар томонидан ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этган, профилактик ҳисобда турувчи воёга етмаганлар ва уларнинг оилалари устидан назорат олиб борилмоқда. Яъни профилактик ҳисобда турувчи ҳар бир воёга етмаган билан якка тартибда ишлаш йўлга қўйилди. Негаки, нуронийлар уларнинг қалбига йўл топиб, хайрли мақсадлар сари ундай оладилар.

Амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли дарс машғулотларига мунтазам қатнашмай юрган 2 минг 893 нафар ўқувчи таълим жараёнига қайтарилди. Шунингдек, бугунги кунга келиб, фахрийларнинг берган қаровоти ва ишонч асосида 3 минг 937 нафар воёга етмаган ўқувчи махсус ҳисобдан чиқарилди. Оилада бувиларнинг ўрни алоҳида. Улар болани тинглаб, муаммоларини ширин сўз билан ҳал қилади, ҳадеб терғамасдан, мулоимлик ила одоб-ахлоқ қоида-



ишлар маҳаллаларда изчил олиб борилмоқда.

Шубҳасиз, катта авлод вакиллари оилавий анъана ҳамда қадриятларнинг бардавомлигида муҳим ўрин тутати. Шу боис ёшлар билан ўтказиладиган маънавий-маърифий ишларда уларнинг таърибаси бекиёс аҳамиятга эга. Зеро, қайси оилада ота-онага ҳурмат юқори бўлса, ўша оилада ўсган фарзандларда чин инсоний фазилатлар шаклланади. Болалик ва ўсмирлик чоғида олинган билим ҳамда кунималар, яхши одатлар ҳар бир ки-

раислари ўринбосарлари ва фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик комиссиялари билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мазкур тузилма аъзолари ёш оилалардаги келишмовчиликларни, баъзан ота-она ҳамда фарзанд ўртасида юзага келадиган тушунмовчиликларни ўғитлари ва оқилона маслаҳатлари билан ҳал этишда фаол қатнашмоқдалар. Қолаверса, тўйларни ихчам ҳамда ортиқча дабдабасиз, аксинча, мазмунли ва халқимизнинг урф-одатларига мос ҳолда ўтказиш заруриятини тарғиб этишапти.

ларини ўргатади. Бувилар маҳалланинг воёга етмаганлар ҳамда ёш оилалар билан боғлиқ ишларига ёрдам бермоқда. Ўзларининг ҳаётий таърибасидан келиб чиқиб, узоқ умр кечириш, хонадонда осойишталик ва хотиржамликка эришиш йўлини кўрсатадилар. Болажонлар янги эртақ эшитиш учун бувилари атрофига жам бўлиши ҳам бежиз эмас. "Эртақлар — яшилликка етаклар", деганларидек, бунда бир пайтнинг ўзига иккита вазифа бажарилади: ҳам фарзандларимизнинг бўш вақти фойдали машғулотга сарфланиб, улар назорат остида бўлади, ҳам бувижонларнинг ўзи мулоқотга киришиб, завқланади.

Республикаимизнинг туман ҳамда шаҳарларида фаолият юритаётган "Нуронийлар масканлари" бугунги кунга келиб, нафақат хордиқ чиқариш жойи, балки маънавият ва маърифат ўчоғига айланди, десак, муболага бўлмайди. Бу ерда таниқли маданият ҳамда санъат намояндалари, олимлар, меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил қилинапти. Отажон онажонларнинг босиб ўтган йўли ҳақидаги хикоялари ёш авлод учун катта ибрат мактаби бўлмоқда.

"Нуронийлар масканлари"да кутубхона, фотобар ҳамда тиббиёт хонаси, жисмоний тарбия учун мўлжалланган заллар мавжуд. Қариялар бир пиёла чой устида дилқаш суҳбат қуриш билан бирга, шахмат-шашка ўйнаш, янгиликлардан хабардор бўлиш имкониятига ҳам эгалар ва энг муҳими, улар ҳаётдан завқланиб яшайдилар.

Умуман, фахрийларимиз ижтимоий фаол бўлишга, ёш авлодга бой ҳаётий таърибига асосланган ўғит-насиҳатларини беришга ҳамиша тайёр.

Шухрат ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон фахрийларининг
ижтимоий фаолиятини қўллаб-
қувватлаш "Нуроний"
жамғармаси бошқаруви раиси.

Экспорт амалиётидаги тўсиқ ва чекловларга барҳам берилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қўшимча эркинликлар бериш мақсадида қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини тadbиркорларга етказиш мақсадида видеоконференцлоқа орқали тadbир ўтказилди.

ТАДБИР

Унда Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Марказий банк, Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоқра ер эгалари кенгаши, "Ўзстандарт" агентлиги, "Ўзгро-экспорт" акциядорлик жамияти мутасаддилари, божхона ходимлари ҳамда тadbиркорлар қатнашди.

— "Ўз бизнесимни йўлга қўйиб, ҳам оиламга, ҳам давлатга наф келтираман", деган кишига бугун барча шарт-шароит муҳайё қилинган, — дейди Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Муталибжон Солиев. — Яқин вақт ичида давлатимиз раҳбарининг қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган қўллаб-қувватлаш амалиётига тadbир қилинди, уларнинг барчасида тadbиркорлар манфаати устувор қилиб белгиланган. Бугунги анжуманда Президентимизнинг 2017 йил 3 ноябрдаги "Махсус турдаги товарлар экспорт ва импортни лицензиялаш, шунингдек, экспорт контрактларини рўйхатга олиш ва импорт контрактларини экспортгадан ўтказиш тартибига солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, "Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 6 ноябрда имзоланган "Мева-савзот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунинг-

дек, қурилган сабзавот ва мева-салат маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари мазмун-моҳияти, киритилган янги нормалар ҳақида ишбилармонларга тушунчалар берилди.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида Давлат божхона қўмитаси томонидан тadbиркорлик субъектларига божхона тўловларида 15,5 трлн. сўм миқдоридида енгиллик тақдим қилинди. Хусусан, биргина эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари ана шундай имтиёздан фойдаланиши туфайли 260,9 млрд. сўм маблағ уларнинг ёнида қолди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,4 баробар кўп, дегандир. Юқорида қайд этилган ҳўжатлар эса ана шундай енгилликлар қўламини янада кенгайтирмоқда.

Гап шундаки, тегишли қарорга кўра, экспорт қилувчи корхоналар, уларнинг янги, жумладан, истиқболли хорижий савдо бозорларини фаол ўзлаштириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар жорий этилаётди. Хусусан, қўнчиликка кириштирилган янгиликлар тadbиркорларнинг экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда мавжуд тўсиқлар ҳамда чекловларга барҳам беради.

Тadbирда вилоят студияларидан иштирок этган тadbиркорлар Фармон ва қарорлар доирасида ўзларини қизиқтирган савдоларга атрофича жаоб олдилар.

Раҳим ШЕРКУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бахт ошёнларида қувонч онлари

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг қишлоқ ҳўйларга арзон уй-ҳўйлар қуриш хусусидаги қарори менда ҳам уйли бўлиш умидини уйғотди. Мазкур юксак эътибор туфайли ҳамма шароитларга эга хонадон соҳибасига айланган.

Айтиш жоизки, Сирдарё вилоятида ўтказилаётган уй тўйлари бири-бирига уланмоқда. Чунки ҳудудда бунёдкорлик ишлари жадал давом этирилиб, бундай бахт ошёнлари сони тобора кўпаймоқда.

Хусусан, қўни кеча Гулистон шаҳрида давлат идоралари ходимлари учун ҳар бири 5 хонали 15 та ҳовли-жой фойда-

ланишга топширилган бўлса, бундан олдин ёш оилалар учун мўлжалланган кўп қаватли тураржойга ҳам хонадон соҳиблари кўчиб киришди.

Шу муносабат билан ташкил қилинган тантаналарда давлатимиз томонидан аҳоли, айниқса, кам таъминланган оилалар, ёшларни уй-жой билан таъминлаш борасида кўрсатилаётган юксак эътибор замирида "Ҳамма нарса инсон манфаатлари учун!" деган эъгу тавоий муҷассам эканлиги таъкидланди.

Тadbирда Сирдарё вилояти ҳўкими Ф. Мирзаев иштирок этди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар жамиятни фаол ҳаракатга келтирувчи кучга айланиши зарур

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Табиийки, минтақанинг ҳавфсизлиги, фаровонлиги ва тараққиётини таъминлаш минтақа давлатларининг узаро ҳамкорлик ҳамда мустаҳкам ишонч асосидаги фаолиятига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, 70 миллиондан ортиқ инсонлар яшаётган минтақанинг келажаги учун масъулиятни ҳис этиш, амалий ҳамкорликка тайёрлик ва унга астойдил интилиш гоът долзарбдир.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, Президентимиз томонидан бир йил давомида минтақа давлатлари билан амалга оширилган музокараларни кузатар эканмиз, унинг моҳиятида Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида турли низооларни кўзгайида ҳамда унга кўмаклашадиган сабаб ва омилларга биргаликда барҳам бериш, умумминтақавий устувор манфаатларни инобатга олган ҳолда, миллий ривожланишни таъминлашга эришиш устувор аҳамият касб этади. Айниқса, чегара, суддан фойдаланиш, транспорт ҳамда савдо-сотиқ сингари ўткир масалаларни ечим бўйича оқилона муроса йўллари танланиб, изчиллик билан босқичма-босқич амалга ошириб келинаётганини халқаро жамоатчилик ҳам эътироф этмоқда.

Давлатимиз раҳбари устувор вазифалар қаторида Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш заруриятини қайд этди. Ўз навбатида, бу вазифани ҳаётий тadbиркорликнинг ижтимоий-сиёсий ҳамда халқаро ҳамкорлик доирасидаги механизмлари атрофича кўрсатиб берилди.

Маълумки, ҳозирги кунда тараққиёт қушандаси бўлган экстремистик гоълар таъсирига, кўп ҳолларда, мустақил ҳаётга эндилина қадам қўйган ёшлар тушиб қолмоқда. Аҳолининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этадиган ва дунё бўйича энг "ёш" минтақалардан бири — Марказий Осиёда навқирон авлод вакиллари бузғунчи гоълар, маънавий таҳдидлардан асраш, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамат масаласи ҳисобланади. Президентимиз нутқида бунга урғу берар экан, ёшларни ҳар томонлама етук шахс сифа-

Мухтабар ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қўнчилик палатаси
депутати.

Марказий Осиёда дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳити шаклланимоқда

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Юртбошимиз ташаббуси туфайли минтақа мамлакатлари билан сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқалари жадал суръатларда ривожланиб борапти. Масалан, йил бошидан буён Ўзбекистоннинг минтақа мамлакатлари билан товар айланиши ўртача 20 фоиз, айрим давлатлар билан эса қарийб 70 фоиз ўсгани ҳам бу саъй-ҳаракатларнинг амалий тасдиғидир.

Форум иштирокчилари томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон бахс-ли, таъбир жоиз бўлса, ўта жиҳдий ҳамда нозик масалаларни тезроқ ҳал қилиш ва ўзаро ишонччи янада мустаҳкамлаш бўйича сиёсати ҳамда интилиши қатъий эканлигини сўзда эмас, амалий ишлари билан исботламоқда. Ўзбек — қирғиз давлат чегарасининг 85 фоизи бўйича кели-

шувга эришилгани, чегара-ўтказиш постлари фаолияти қайта тиклангани, чегарадош вилоятлар аҳолисининг ўзаро борди-келдиси анча енгиллашгани бунинг яққол тасдиғидир. Буларнинг барчаси Марказий Осиёда сиёсий ишонч муҳитини мустаҳкамлаш, одамларимизнинг келажаққа бўлган ишонччи янада кўчатириди.

Давлатимиз раҳбари халқаро конференцияда минтақада тинчлик ва барқарорликни, давлатлар ўртасида ҳамкорлик ҳамда мулоқотни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларни кенгайтиришга йўналтирилган амалий ташаббусларни илгари сурди. Жумладан, Марказий Осиё мамлакатлари давлат раҳбарларининг ўзаро маслаҳатлашувлари бўйича учрашувлари мунтазам ташкил қилиш тақлифи конференцияда иштирок этган минтақа давлатлари ва-

киллари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди. Ушбу механизм бугунги кунда минтақада умумий муаммоларни ҳал қилишнинг йўллари биргаликда излаб топишга реал зарурат мавжуд эканлигини англашда муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан диққатга сазовордир. Чунки Президентимиз қайд этганидек, Марказий Осиёдаги долзарб масалаларни мамлакатларимизнинг савй-ҳаракатларини умумий масъулият тамойили асосида бирлаштириш орқалигина ҳал этиш мумкин.

Халқаро анжуманда сўз олган экспертлар минтақада ҳавфсизликка эришиш учун қўшни давлатлар савй-ҳаракатларини бирлаштириш, фаол маданий-гуманитар мулоқотни давом эттириш, мамлакатларимизда маданият қулни ва турли ижодий тadbирларини мунтазам ташкил қилиш, таълим ҳамда савй-ҳал соҳасидаги алмашувларни "халқ дипломатияси"-

нинг энг муҳим воситаси сифатида ривожлантириш Марказий Осиёда ҳавфсизликни таъминлаш ва барқарор тараққиётга эришишнинг муҳим омилли ҳисобланишини таъкидлади. Шу маънода, оддий ҳамда очик инсоний мулоқот — минтақада дўстлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик муҳитини мустаҳкамлайдиган энг ишончли усулдир.

Ўзбекистон раҳбари илгари сурган эъгу ташаббуслар пировардида олий мақсадга, яъни "Марказий Осиё" деб аталган умумий уйимизда тинчлик ҳамда барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Биз, сенаторлар Президентимиз ташаббусларини кенг тарғиб этиш, бу жараёнда парламент дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланишимиз аини муддаодир.

Зайнаб БЕРДИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати
аъзоси.

Инсон манфаатлари — олий қадрият

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ушбу ҳўжат халқимизнинг инсонийлик ҳамда баркинглик гоъларига содиқлигини бутун дунё борада таъкидлагани яна бир қарор намоёни этиши билан бирга, Ўзбекистонда инсон ҳаёти, унинг ҳўқуқ ва эркинликлари, чин маънода, олий қадрият даражасига кўтарилганини кўрсатди. Айтиш жоизки, бу нафақат ўша давр, балки бугунги кун нуқтаи назаридан олинганда ҳам муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий аҳамиятга молик воқеадир. Зеро, ўлим жазоси бекор қилиниши шунчаки расмий-ҳўқуқий учун ёки инсон ҳўқуқларини муҳофаза этиш халқаро ташкилотларнинг талабларини бажариш учун амалга оширилган чора-тадбир эмас, балки мустақиллигининг дастлабки қўла-ридан бошлаб ўзбек халқи ўзининг танлаган йўли ва ҳўқуқий демократик давлат барпо қилиш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг наватбадига босқичи бўлган эди, десак, тўғри бўлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳўқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган суд-ҳўқуқ тизими билан боғлиқ мутлақо янги концепция амалиётга жорий этилди. Унга асосан, мамлакатимизда суд-ҳўқуқ тизимини ислох қилишнинг энг муҳим вазифаси этиб жиноят, жиноят-процессуал қўнун ҳўқуқларини, жиноий жазолар тизимини изчилик билан либераллаштириш белгиланиб, бу

борада муайян ишлар рўёбга чиқарилди. Мана, мисол учун, 2001 йил октябрда кучга кирган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қўнун, шунингдек, судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги ҳамда бошқа бир қанча қўнун ҳўжатларига мувофиқ, жиноятларнинг тавсифалари тўбдан ўзгартрилди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноий рўйхатга қаматилди. Эътиборлиси, жиноят учун жазо тайинлашда янгича демократик ёндашув воқеликка айлангани, улар адолат ва инсонпарварлик тамойилларига тўлиқ жаоб бериши билан ҳам муҳим ҳисобланади.

Юртимизда ўлим жазоси бекор қилинганга қадар Жиноят кодексининг ўлим жазосини назарда тутувчи моддалари 33 тадан 2 тага қаматилди. Ўлим жазоси фақатгина қасддан одам ўлдириб ҳамда терроризм жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан тайинланган белгиланди. Шунингдек, амалдаги Жиноят кодексида аёлларга, воёга етмаганларга ва 60 ёшдан ошган эркакларга нисбатан ўлим жазоси тайинлаш бекор қилинди. Ўша пайтда юртдошларимизда "ўлим жазоси бекор қилиниши салбий оқибатларга олиб келмасмикин?" қабилидаги иккиланиш

пайдо бўлгани ҳам бор гап. Негаки, улар мамлакатда ўта оғир жиноятларни содир этиш ҳўқуқларини ортб кетишдан хавотирда эдилар. Шу каби омиллар асосида Олий Мажлиси Қўнчилик палатаси ҳамда Сенати аъзолари ривожланган давлатлар таърибасидан келиб чиқиб, даставвал ўлим жазосини бекор қилиш масаласи юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунириш ишлари олиб борди. Чунки дастлабки вақтларда фуқароларнинг муайян қисми бу қарорни тўғри, деб қабул қилмаган. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Гап шундаки, ўлим жазосини бекор қилишдек долзарб масалани ҳеч бир жамиятда бир овоздан ечим топаётгани ҳали ҳеч қаерда учрамайдиган таърибадир. Айни чоғда аҳоли мувожазлари билан ишлашда Президентимизнинг виртуал қабулхонаси, жойларда фаолият олиб бораётган Халқ қабулхоналарининг ўрни бекиёс бўлмоқда.

Бундай янгилишлардан қўзланган мақсад-муддао битта, у ҳам бўлса, инсонни эъзозлаш, уни улус-

гувоҳ бўлиб турганидек, Ўзбекистонда буюқ ўзгаришлар давом этмоқда. Хусусан, ҳар бир инсонни эъзозлаш, унинг тўқис ҳаёт кечириши учун муносив шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бундан юртдошларимиз мамун.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида олиб борилаётган эъгу саъй-ҳаракатлар моҳиятига ҳам инсонпарварлик гоълари сингдрилган. Давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарларининг оддий одамлар билан учрашиб, уларни қўйида келаётган муаммоларга жойида ечим топаётгани ҳали ҳеч қаерда учрамайдиган таърибадир. Айни чоғда аҳоли мувожазлари билан ишлашда Президентимизнинг виртуал қабулхонаси, жойларда фаолият олиб бораётган Халқ қабулхоналарининг ўрни бекиёс бўлмоқда.

Хулоса ўрнида яна Алишер Навоий бобомизнинг эъгу ишларга илҳомлантириб турадиган сўзларига мувожаат қилмоқчимиз: "Ким-дани мана шундай қарам жахвари бўлса, ҳозирги замоннинг исқандари шудир. Кимки афв-қарам бобиди маҳорат кўрсатса, қарам ҳам унга ўз фазилатини соҳусидир".

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий
судининг катта эксперти,
юридик фанлар номзоди.

ХАРАЖАТЛАР КАМАЯДИ, ДАРОМАД ЭСА ОРТАДИ

Энергетика — иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири. Бугунги тезкор тараққиёт даври ушбу жабҳада ҳам тежамкор усуллари қўллашга тақозо қилапти. Бинобарин, Президентимизнинг жорий йил 26 майдаги “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қароридан ҳам бу борада қўллаб-қувватлаш белгиланган.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Гап энергияни тежаш ва ундан умумий фойдаланиш ҳусусида кетар экан, 2011 йилдан буюн Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги ҳамда Жаҳон банки ҳамкорлигида амалга ошириб келинган “Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳасига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки ундан қўзланган асосий мақсад истеъмолчиларга йирик саноат корхоналарида энергия тежамкор технологияларини жорий этиш тажрибаси, бунинг фойда ва афзалликлари кўрсатишдан иборатдир.

— Лойиҳа доирасида 30 дан ортиқ саноат корхоналари Жаҳон банки қўлидаги Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Ўзбекистон тижорат банклари ҳисобидан ажратилган имтиёзли кредитларга эга бўлди, — дейди унинг раҳбари Алишер Алимбоев. — Айни пайтда республикамиз бўйича у 82 та сублойиҳа қамраб олган бўлиб, уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши йилга 500 миллион кВт/соат электр энергияси ва 187,7 миллион

куб метр табиий газни тежаш имконини беради.

Келинг, шу ўринда яқинда вазирлик томонидан энергия тежамкор усуллари қўллашга тақозо қилапти. Бинобарин, Президентимизнинг жорий йил 26 майдаги “2017 — 2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қароридан ҳам бу борада қўллаб-қувватлаш белгиланган.

Жаҳон банки эксперти Умарбой Одамовнинг айтишича, ушбу жамиятда энергия ресурсларини бошқариш ISO 50001 стандарти асосида бажарилади. Бунда корхона Халқаро тараққиёт уюшмаси кредитидан самарали фойдаланиб, эски,

талабга жавоб бермайдиган қозон-очкони ўрнига Италиядаги “ICI CAIDAE S.p.A” фирмасининг замонавий ускуналари ўрнатилгани қўл келди. Натижада электр энергияси 7 — 9 фоизгача, табиий газ 23 — 25 фоизгача иқтисод қилинапти.

Худди шундай ижобий ўзгариш “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида ҳам кузатилади. Ҳозирги кунда корхонада 8 та сублойиҳа рўйга чиқарилапти. Модернизациялаш тадбирларининг умумий қиймати 17,6 миллион АҚШ доллари тенг бўлиб, 12 миллион доллардан ортиги уюшма кредитидир. Айни пайтда ускуналарнинг асосий қисми ишга туширилди.

Завод мутахассисларининг дастлабки ҳисоб-китобларига қараганда, бу ерда ҳам йилга 20,3 млн. кВт/соат электр энергияси ва 18,8 млн. куб метр табиий газ тежалади. Бу кўрсаткичлар, ўз навбатида, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва корхона даромадини оширишга олиб келади.

Бундан ташқари, “Қизилқумцемент” акциядорлик жамиятида энергия ресурсларини тамомла янги бошқариш стратегияси жорий қилинаётган бўлса, Навоий кон-металлургия корбинати тизимидаги қатор корхоналар, шу жумладан, унинг Шимолӣ кон бошқармаси сульфат ишлаб чиқариш цехига 6,3 МВт қувватига эга замонавий буғ турбинаси ўрнатилиши билан шу ернинг ўзида қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бу ҳусусда Навоий кон-металлургия бош энергетиги ўринбосари

Алишер Ачиллов шундай дейди: “Олдин сульфат ишлаб чиқариш цехида кўп миқдорда, аниқроғи, ўқуқ шахрини уч ой мобайнида иситиб туришга сарфланадиган энергия ҳажмига тенг миқдордаги иссиқлик қуввати ҳақида учиб кетар эди. Бугунги кунда турбина ишлатилиши билан йўқотишнинг олди олинди. Бугунги кунда турбина ёрдамида 41,3 миллион кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, бутун цех эҳтиёжи қопланмоқда”.

Таъкидлаш жоиз, ускуна Хиндис-тоннинг “Triveni Turbine Limited” корхонасидан келтирилган. Унинг умумий қиймати 1,8 миллион АҚШ долларига тенг. Бироқ бунинг учун сарфланган харажатлар икки ярим йилда ўзини қоплайди.

Қақшадар — юртимизнинг табиий газни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича қўллаб-қувватлаш хоналарига эга ҳудуд. Лойиҳа доирасида “Шўртаннефтьгаз” МЧЖ ва унинг “Шўртан” сиқув компрессор станциясида иккита сублойиҳа амалга оширилмоқда. Шулардан бири — “Паст босими машъала газларни қайта ишлаш” сублойиҳаси. Унинг ноёблигини технологик жараёнлардан ажратиб турган паст босимли газлар асосида ишловчи кичик электр станцияси вужудга келгани ҳам таъкидлаб турибди.

Мутахассислар фикрича, бундай компрессор станцияларида табиий газ босимини етарли даражагача кўтариб, бош ишчиотдаги газни қайта ишлаш қўрилмаларига етказиб бериш жараёнида газ конденсати ва қатлам сувлари таркибид

“эриган” газлар ажралиб чиқади. Қизиги шундаки, умумий жараёнга таъсир қилмасдан туриб, ушбу газларнинг бир қисмидан қўшимча электр энергияси ишлаб чиқаришда фойдаланса бўлади. Бу компрессор станциясида ҳеч қандай харажасиз қўшимча электр қуввати ишлаб чиқарилади, деганидир. Қолаверса, кичик станция машъала босимини пасайтириб, экологик жиҳатдан зарарли чиқиндилар ҳажмини ҳам камайтиради.

Бундай сублойиҳалар водий вилоятларининг қатор ишлаб чиқариш иншоотларида ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Жумладан, Андижон вилоятидаги Хўжабод газ сақлаш омбори корхонасида татбиқ этилаётган сублойиҳа алоҳида диққатга сазовор. Гап шундаки, унинг шарофати билан авваллари “ҳавога” кетадиган иссиқлик эндиликда ишлатилган иссиқлик эндиликда энергияси ишлаб чиқаришга йўналтирувчи ускуна ёрдамида қайта ишланиб, қўшимча 2,8 млн. кВт/соат электр энергияси ҳосил қилинади. Бу эса корхонанинг электр энергиясига бўлган йиллик эҳтиёжини юз фоиз қоплайди.

Йирик саноат корхоналарида энергия самарадорлигини ошириш борасида жорий қилинаётган бундай тажрибалар иқтисодий таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Обиддин МАХМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий вазирлиги
масъул ходими.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Эронда рўй берган қучли зилзила катта талафотларга сабаб бўлди.

Инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда

“Ассошиэтед пресс” ахборот агентлиги хабарига қўра, табиат ҳодисаси оқибатида 445 киши ҳаётдан кўз юмди, етти мингдан зиёд одамлар жароҳатланди. Етмиш мингга яқин фуқаролар тураржойидан айрилди.

Ер силкиниши магнитудаси 7,2 ни ташкил қилган. Маҳаллий ҳокимият идоралари қурбонлар сони ошishi эҳтимоли мавжудлигини билдирди. Чунки вайрона-



лар остида қолиб кетганлар бўлиши мумкин. Айни пайтда Эронга халқаро ҳамжамият томонидан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилмоқда.

Молиявий ҳолат тақозоси

Венесуэлада мамлакат тарихидаги энг йирик банкнотлар — 100 минг боливар муомалага киритилди.

“Эль Насьональ” газетасида ёзилишича, бу чора-тадбир молия тизимини барқарорлаштиришга туртки беради. Айни пайтда “қора бозор”да 100 минг боливар қиймати қарийб 2,5 долларга тенг. Расмий курс бўйича эса 1 доллар 10 боливарга тенг. Лекин унга амал қилинмапти.

Бир йил аввал Венесуэлада энг йирик пул бирлиги 100 боливар эди ва 2017 йилнинг бошида мамлакатда 500, 5 000 ва 20 000 боливар банкнотлар муомалада қўлланила бошланди.

Айтиш керакки, 2014 йилда нефть нархининг пасайиши туфайли ушбу давлат иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда. Халқаро валюта жамғармаси прогнози бўйича жорий йилда Венесуэлада инфляция даражаси 1 640 фоизни ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришда сусткашлик

Электромобиллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Tesla” компанияси жорий йилнинг учинчи чорагида 671 миллион доллар миқдорда зарар кўрди.

Вахонки, ўтган йилнинг шу даврида корхона 22 миллион доллар фойда олишга эришган эди. Бундай катта миқдордаги маблағ йўқотилиши “Tesla”нинг янги русумдаги “Model 3” машиналари билан боғлиқ. Гап шундаки, мазкур моделни ишлаб чиқариш режаси 2017 йилнинг декабрга қадар 20 мингга қилиб белгиланганди. Бироқ ҳозирча 260 та автомобиль тайёрланган, холос. Бунга аккумулятор етказиб беришда муаммолар сабаб бўлган. Компания мазкур масалани тез орада ҳал этишини, 2018 йилнинг март ойидан янги русумдаги электромобилдан ҳафтасига 5 минг донагача ишлаб чиқариш режалаштирилганини маълум қилди.



Нефть ва газ кони топилди

Мексиканинг Веракрус штатида “Ретех” давлат компанияси томонидан захираси тахминан 1,5 миллиард баррелга тенг нефть ва газ кони топилди.

Бу охириги 15 йил ичида минтақада аниқланган энг йирик ер ости бойлиги сифатида эътироф этилди. Конда тез орада қазиб чиқариш ишлари бошланади. Маҳаллий оммавий ахборот воситалари маълумотларига қараганда, ҳозирги вақтда “Ретех” компаниясининг нефть ишлаб чиқариш кўрсаткичлари анча пасайиб кетган. Яъни кунига ўртача 1,7 миллион баррелга тенг. Янги кон унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Ҳужжатлар орқали зарар еткази

Киберхавфсизлик соҳаси мутахассислари янги вирусни аниқлади.

“АРСтехника” наشريнинг ёзишича, хавфлар ушбу зарарли дастурни тарқатишда “Dynamec Data Exchange” (DDE) меҳанизмидан фойдаланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

“Ўзбекэнерго” АЖ жамоаси Ўзбекистон энергетикаси фахрийси

Алим Акрамович МИРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази жамоаси директор ўринбосари Бахтиёржон Бакирович Акбаралиевга оғир вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Патилла АКБАРАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Адолат қарор топди

Ҳақиқат эгилди, аммо синмади. Бекободлик Ширмон Ҳабибуллаева бунга яна бир бор амин бўлди. Гап шундаки, “Тошкентгазтаъминот” унитар корхонасининг “Бекободшаҳаргаз” филиали раҳбари ўзининг 2017 йил 20 апрелдаги буйруғи асосида тузилган меҳнат шартномасини сабасиз бекор қилди. Натижада ўн йилдан буюн шу корхонада меҳнат фаолиятини юритиб келатган ходим ишсиз қолади.

СУД ҲИМОЯСИДА



Ш. Ҳабибуллаеванинг бир неча марта корхона раҳбарларига бориб учралиши фойда бермагач, ноилж фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судига мурожаат этади. Пировардида суднинг 2017 йил 31 июлдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар ишга қайта тикланиб, унга етказилган моддий ва маънавий зарар ундирилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди ҳамда унинг етти туманлараро суди йиғилишларида ҳақиқат қарор топганлигидан мамнун бўлган одамларни қўллаб-қувватлаш мумкин. Масалан, янги йўллик Маюхот Умарованинг ёки зангиоталик Нигора Нурматованинг тураржой масаласи билан боғлиқ мурожаатлари ижобий ҳал этилганига гувоҳ бўлди.

Чиндан ҳам, судларнинг инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ўрни тобора ортиб бораётди. Бунда Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда Харажатлар стратегияси дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, уларда суд тизимини демократлаштириш ва янада тақомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатини кучайтириш ҳамда тизимда қонунийликни мустаҳкамлаш устувор йўналишлар сифатида белгиланган. Ҳозирги пайтда шу асосда изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилапти.

Одамларнинг ҳуқуқий билимини ошириш доимий эътиборда бўлиб келмоқда, — дейди фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди раиси вазифасини бажарувчи Ғолибжон Воҳидов. — Аҳоли орасида ҳамда ўқув муассасалари ва маҳаллаларда қўллаб-қувватлаш таълимлари ўтказилди. Сайёр суд

мажлисларининг бу борадаги аҳамияти, айниқса, салмоқли бўлаётди. Жорий йилнинг 1 июлидан ҳозиргача тамомланган 10 мингдан зиёд фуқаролик ишларининг 3176 таси сайёр суд мажлисларида муҳокама қилинди. Уларда 29 мингга яқин кишилар қатнашди. Сайёр судларнинг аксарияти маҳаллаларда ўтказилаётганлиги ҳамда уларга ёшлар кенг жалб этилаётгани кўнгилдагидек самара берапти.

Ишларнинг барчаси қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ҳал қилинмоқда. Сансалорликка йўл қўйиш ҳолатлари буткул бартараф этилди. Етказилган моддий зарарни тўлиқ ундириш бўйича ягона суд амалиёти жорий қилинди. Суд ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш мақсадида Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси ҳамда туман, шаҳар бўлинулари ўртасида электрон маълумот алмашиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига йўлланган мурожаатлар бўйича ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилган. Ўтган бир йилдан ортиқ вақт мобайнида Виртуал қабулхонадан ва жойлардаги Халқ қабулхоналаридан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти судига 5218 та хат ва шикоят келиб тушди. Уларнинг 5173 таси ўз вақтида кўриб чиқилди, аксарияти қаноатлантирилди, қолганига тушунтиришлар берилди. 23 та шикоятга рад жавоби қилинди.


Халқимизнинг азалий урф-одатлари, адолатпарварлик тамойилларига мос келувчи ярашув институтини имкониятидан кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, судьялар ҳамда маҳаллалар фаоллари ҳамкорлигида никоҳдан ажралишга доир фуқаролик ишлари ҳафтасига 3 та сайёр суд мажлисида кўриб чиқилапти.

Умуман, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди ходимлари ишларни қонунийлик, одиллик ва инсонпарварлик тамойилларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқиб, ҳар бир қарорнинг асосли ҳамда адолатли бўлиши учун барча куч ва имкониятини сафарбар этмоқдалар.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Таълим ва мутахассислик — 2017»

Мамлакатимизда шу номдаги халқаро кўргазма бўлиб ўтмоқда.



Мазкур тадбир мамлакатимиз ҳамда дунёдаги етакчи олий таълим муассасаларида мавжуд бўлган касб ва мутахассислик йўналишлари билан ёшларни яқиндан таништириш, касб танлашга қўмаклашиш, давлатимиз томонидан таълим соҳасида яратилаётган имкониятларни тарғиб қилишга қаратилган.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган

халқаро кўргазмада Россия, Швейцария, Малайзия, Жанубий Корея, Беларусь, Австралия, Бирлашган Араб Амириклари, Туркия, Буюк Британия, Канада, Қозғоғистон сингари йигирмадан ортиқ давлатларнинг элликдан зиёд олий таълим муассасаларида вакиллар қатнашди.

— Ахборот технологиялари соҳасида тахсил олишни орзу қил-

Ранг-баранг услублар ва замонавий дизайн

“Осиё рамзи” Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси ташаббуси билан “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ҳамда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси кўмағида ташкил этилган “Тошкент мода ҳафталиги — 2017” тадбирлари бошланди. Унинг очилиш маросими Ёшлар ижод саройида бўлиб ўтди.

МОДА ҲАФТАЛИГИ

19 ноябрга қадар давом этадиган ҳафталик давомида иштирокчилар бир-биридан қизқарли, бетакор анжуманларга гувоҳ бўлишади. Жумладан, ёш дизайнерлар танлов, маҳаллий ва хорижий дизайнерларнинг муаллифлик намоишлари, маҳорат дарслари, шунингдек, миллий матолар ҳамда амалий санъат намуналари кўргазмаси ўтказилади.

— Мазкур ҳафталик Ўзбекис-

тон мода индустриясида энг муҳим воқеалардан биридир, — дейди “Осиё рамзи” Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси раиси Холида Комилова. — Бу орқали ёш дизайнерларнинг ижодий салоҳиятини ошириш, янги номларни кашф этиш асосий мақсадимиздир.

Шунингдек, санъат форуми доирасида “Италия модаси кун” ўтказилади. Унда Антонио



Гримальди, Фульвио Лупариа каби машҳур дизайнерларнинг коллекциялари ҳам тақдим қилинади.

Тадбирларда Франция, Жанубий Корея, Россия ва Қирғизистон сингари давлатлардан мода саноати вакиллари иштирок этмоқда.

Мажнуд ХОЛМАТОВА.

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

Эзгулик ифодаси

Юртимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида “Суннат тўйи — миллат тўйи” тантаналарини ўтказиш анъана тусини олмоқда. “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури доирасидаги бундай тадбирларга Навоий вилоятида ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

ЙИЛ ДАСТУРИ ИЖРОСИ — АМАЛДА

Хусусан, яқинда Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги байрами олдидан кам таъминланган оила фар-

зандларидан 45 нафари учун уюштирилган хатна тўйи шулар сирасидандир.

Тадбир доирасида “тўй бола”ларга вилоят ҳокимлиги ҳамда

ҳомий ташкилотларнинг совғалари улашилди. Шунингдек, Халқ банки бўлимларида уларнинг номига очилган ҳисоб рақамига 1 миллион сўмдан пул маблағи

ўтказилган жамғарма омонат дфтарчалари топширилди.

— Фарзандим Жўрабекнинг суннат тўйига таширф буюрган яқин қариндошларимиз бундай саховат учун ташкилотчилардан мамнун бўлишди, — дейди унинг онаси Умид Рўзизуллова. — Бу, албатта, мамлакатимизда ҳеч бир бола меҳр-эътибордан четда эмаслигининг амалий ифодасидир. Биз бунинг учун ўз миннатдорлигимизни билдириб, ҳар бир

Темур ЭШБОВЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШЕРОБОД АНОРЛАРИ

Европа бозорларида ҳам сотилмоқда

Лойлик — Шеробод туманидаги қадимий қишлоқ. Бу ерда асрлар буйи қақраб ётган майдонларда анорзорлар барпо этиш истаги тажрибали миришкор Содиқ Турдиевга тинчлик бермай қўйди. Лекин мақсадга қандай эришиш мумкин? Умуман, бунинг имкони борми?

ИЗЛАНИШ

Соҳибкор ана шу саволларга жавоб топиш учун пасту баландликлардан иборат лалми ерларни бир неча бор кўздан кечирди. Ниҳоят масаланинг ечимига йўл топилди: қишлоқ яқинидан оқиб ўтувчи дарёдан тепаликка сув чиқариш лозим. Бунинг учун эса айланма ҳаракат ҳосил қилиш мақсади мувофиқ. Шундай бўлди ҳам. Харсанглардан барпо этилган кичик тўғон орқали тепалик сари қиялаб сув йўллари очилди. Лалми майдонларга обиҳаёт келди, деҳқончилик учун имкон туғилди.

Албатта, "Узлаштирилган шунча ерлар турганида, бу сай-ҳаракатлардан қандай наф?" деганлар ҳам кўп бўлди. Содиқ ақанинг эса бошқаларга ўхшамас фео-автори, яъни ўз тутуми бор...

Бирок ҳаётда маълум ютуқларга эришиш учун мақсаднинг ўзи кифоя

чилик ҳам ривож топган. Бугун донғи олис-олисларга ёйиладиган Шеробод анорларини парваришlash сир-синоати ҳам аждодлардан-авлодларга мерос бўлиб келаётганига шубҳа йўқ.

Содиқ ака бизга анорнинг дастлаб Эронда етиштирилгани, сўнгра Миср ҳамда бошқа ўлкаларда ҳам оммалаштирилгани ҳақида мароқ билан гапирди. Таркибида турли дармондорилар, бириктувчи тўқималар, микроэлементлар мавжуд, пўсти ва ҳатто илдизи шифобахш хусусиятга эга ушбу неъматни узок таърифлайди. Айниқса, анор шарбати аскорбин кислотаси, қанд ҳамда танин моддаларига жуда бой экан. Бунга қулоқ тутарканмиз, ҳолсизлик, камқонлик, атеросклероз, нафас олиш йўллари инфекцияси, бронхит астма, ангина, радиатив нурланиш каби кўплаб хасталиклари даволашда нега айнан анор шарбати кони фойда саналганини тарафдор ағлаб етандек бўламиз.

— Мен анор етиштиришни отамдан ўрганганман, — дейди суҳбатдошимиз. — У киши деҳқончилик бобида катта тажрибага эга эди. 10 сотиқлик томоркамизда бу меванинг турли навлари ўзига меҳр билан парваришланарди. Ҳозир эса билганим шу: анъанавий анор

етиштириш агротехникаси жуда оддий. Лекин ўзига хос сир-синоати бор. Бунинг узлаштирсангиз, ҳосил чўчи ҳам, даромад ҳам ошиб бораверади. Мамлакатимизда мулкчилик шаклининг ўзгариши, фермерлик ҳаракати кенг қулоқ ёйиши орзуларимга қанот бўлди. Дастлаб 1 гектар майдонда анорзор барпо этиб, шу соҳанинг ҳақиқий эгалари этигидан маҳкам тутдим. Тажрибамни бойитишга, анорзорларни кенгайтиришга астойдил ҳаракат қилдим. Айни дамда "Боғи ҳаёб" фермер хўжалигимизга қараши 8 гектар майдондан мўл ҳосил олаётимиз. Маҳсулотларимиз Европа бозорларига ҳам чиқарилапти. Муҳими, буортмалар кўп.

Этиборли жиҳати, бугун Шеробода Содиқ ака сингари анор етиштириб, катта даромад топаётган деҳқонлар сафи кенг. Қолаверса, туман ҳокимлиги мутаассадиларининг тасдиқлашича, шу кунларда давлатимиз раҳбари тавсиясига биноан, ҳудудда анорзорлар кенгайтириладиган.

Термиздаги "Голд Агро Фреш" корхонаси — ана шундай лойиҳа ташаббус-қилади? Орзулар рўёби сари қатъий интилиш, азму шижоат ҳам керак-ку, ахир. Ана шундай серғайрат одамларни кўргангизда, "Бундай инсонларни ҳаракатлантирувчи куч нимада?" деган савол туғилиши табиий.



Содиқ ақанинг ҳаёт тарзини зимдан кузатган киши бунга жавоб топаётган бўлади. Хар гапни ҳикматли сўзлар, халқона иборалар билан бойитиб сўзлайдиган, илм-маърифатга ошно, ҳисоб-китобда унча-мунча иқтисодчини ҳам доғда қолдирувчи бу инсон билан бир зум суҳбатлашсангиз, унинг эзгулик йўлидаги иштиёқи, аҳдида содиқлигини яққол англайсиз.

Қишлоқ зёлиларининг айтишича, Шеробод туманидаги Жарқўрғон ёдгорлигидан топилаган ноёб экспонатлар 3,5 — 4 минг йиллик тарихга эга. Хусусан, уларни ўрганган олимлар илк шаҳарсозлик ва давлатчилик асослари, кўплаб ҳунармандчилик турлари шаклланиши ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлади. Манбаларга кўра, ўша даврларда бу ҳудудда сугорма деҳқон-

корларидан бири. Тадбиркорлик субъекти мутасаддилари томонидан Туркиядан интенсив анор навлари олиб келиниб, 300 гектар майдонда янги боғ бунёд этиш режалаштирилган. 150 гектар ерда парваришланаётган кўчатлар келгуси йилдан мева бера бошлайди. Туманда етиштирилган бундай сархил неъматларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича ҳам бир қатор истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилаётир. Биргина жорий йилнинг ўзида мавжуд 4 минг гектар анорзорлар яна 1 минг 100 гектарга кенгайтирилди.

— 5 гектар майдондан 50 тонна ҳосил олдик, — дейди "Тошмуҳаммад Низомиддин Сўҳроб" фермер хўжалиги раҳбари Тожи Расулов. — Қишлоғимиздаги ҳар бир хонадонда камиди 5 сотиқлик анорзор мавжуд. Қаранг, бугун одамларда боғ яратиш, ердан унумли фойдаланиш иштиёқи ортиб борапти. Бу хонадонлар фойзига фойз қўшлаяпти, деганимиз. Мана, ўзимиздан қўйс. Фермер хўжалигимиз аъзолари билан бамаслаҳат қўшимча 20 гектар майдонда анорзор барпо этиш ниятидамиз. Шароити етарли. Барча имконият муҳайё. Давлатимиз бизни кўплаб-қувватлаб турибди.

Мутахассислар фикрича, ҳар бир ҳудуднинг географик жойлашуви, иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда, деҳқончиликда муайян натижаларга эришиш мумкин. Жумладан, Олтинсой ўзгариши, Бойсуннинг қирмизи олма-лари, Дашнобод ҳамда Шеробод анор-лари доғруғи донг таратиши ана шундай ўзига хос омиллар билан боғлиқ. Самарқанд нонини бошқа ҳудудда айнан тайёрлаш имконсиз бўлгани сингари юқорида номи келтирилган мевалар ҳам ҳудуд танлаши билан фарқланар, аҳтимол. Ҳўш, унда Шеробод анорларининг сирини нимада?

— Ҳудуднинг тўпрок унумдорлиги ва қуруқ ҳавоси анор етиштириш учун жуда мос, — дейди С. Турдиев. — Бундан ташқари, бошқа жойларга нисбатан борадорнинг барвақт келиши тўғрисида анор 20 — 25 кун аввал гуллабди, 180 — 200 кун мобайнида қуруқ ҳамда иссиқ ҳавонинг сақланиши, ҳатто айрим қишлоқларимизда табиий дренажлар мавжудлиги, шунингдек, зараркунанда-ларга қарши вақтида амалга оширила-диган агротехник тадбирлар мевалар-нинг яхши етилиши, ширдор ва ҳуш-таъб бўлишини таъминлайди.

Айтиш жоизки, туманда фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари, томорқа эгалари томонидан етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотларининг ички бозор-дан ортан қисми агрофирмалар орқали хорижий давлатларга сотилмоқда. Хусусан, жорий мавсумда 2 минг тонна сархил анор экспорт қилиниши кўзда тутилган. Бу эса аҳоли даромадлари янада ортишидан далолатдир.

Илҳом РАҲМАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ТАДБИРКОР ҚИЗЛАРНИНГ БИЗНЕС ЛОЙИҲАЛАРИ

"Агробанк" кўмагида рўёбга чиқарилмоқда



Албатта, доимий да-ромад — файзу барака манбаи. Келажақ во-рисларини рағбатлан-тиришининг энг мақбул йўли ҳам уларга муно-сиб иш ўринлари яратишдир. Шу маъно-да, ёшлар, айниқса, ишбилармон қизлар-нинг тадбиркорликка жалб этилиши аҳамия-ти катта. Бу эса, ўз навбатида, ички бозо-римизнинг рақобатдош маҳсулотлар билан бойишини таъмин-лайди.

Ўзбек Миллий акаде-мик драма театрида бўлиб ўтган "Тадбиркор қизнинг энг яхши ло-йиҳаси" танловининг республика босқичи рағбатлари тақдир-лаш маросимида ҳам шу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбе-кистон Республикаси

Хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк, Ўрта махсус, касб-хунар таъ-лими маркази, Касаба уюшмалари Федерация-си, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, Савдо-сано-ат палатаси ҳамкорли-гида ўтказилган тад-бирда ҳудудлардан са-раланган 82 нафар ишбилармон қиз ўз биз-нес лойиҳаси билан қатнашди.

2017 — 2021 йиллар-да Ўзбекистон Респуб-ликасини ривожланти-ришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳара-катлар стратегиясида белгиланган вазифалар

Ёшлар — келажақ бунёдкорлари. Эртанги кунимизнинг янада ёруғ ва фаровон бўлиши эса бугунги ислохотлар билан чамбарчас боғлиқ. Мамлакатимизда навқирон авлод вакиллари оғза-интилишлари, эзгу ғоя ҳамда мақсадлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг боиси шунда. Йигит-қизларимиз учун биргина хусусий секторда яратиб бериладиган имконият ва имтиёзлар ёшларга оид давлат сиёсатининг қамрови нақадар кенглигидан далолат беради.

ҳамда "Халқ билан му-лоқот ва инсон манфа-атлари йили" Давлат дастури ижроси доира-сида эълон қилинган танлов ғолиблари ора-сида "Агробанк" томо-нидан кредит олиш ҳуқуқини берувчи сер-тификатлар билан тақ-дирланган 28 нафар қиз ҳам бор.

— Миллий гиламлар тўқишга жуда қизиқа-ман, — дейди сурхон-дарёлик ёш тадбиркор Назолат Собирова. —

Узотсла-римдан

бу ҳунарни янада тако-милаштиришга инти-ляпман. Жумладан, ижодий ёндашув асоси-да бежирим гиламлар ярати-б, уларда халқи-мизга хос хусусиятлар-ни акс эттириш асосий мақсадим. Бу борадаги изланишлар танловда кўллаб-қувватлангани ва фаолиятини ривож-лантириш учун "Агро-банк"нинг Сурхондарё ҳудудий филиали томо-нидан амалий кўмак кўрсатилаётгани кучим-га куч қўшди.

Жорий йилда Қон-ликўл касб-хунар ко-ллежини тамомлаган Оразбўйке Мирзабаева мақкур танловда нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир инновацион лойиҳаси билан иштирок этди. Унга "Агробанк"нинг Қонликўл тумани фили-алидан 30 миллион сўм

миқдорда имтиёзли кредит ажратилиши кўзда тутилган серти-фикат берилди.

— Юртимизда ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган ислохотлар самарасидан тўлиқ баҳраманд бўла-ямиз, — дейди "Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг яхши тадбиркор қиз" номинацияси совриндо-ри О. Мирзабаева. —

Бизнинг вазифамиз — ана шу имкониятлардан тўғри фойдаланиб, мам-лакатимиз

лақатимиз рағбатлари тақдир-лаш маросимида ҳам шу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбе-кистон Республикаси

Хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк, Ўрта махсус, касб-хунар таъ-лими маркази, Касаба уюшмалари Федерация-си, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, Савдо-сано-ат палатаси ҳамкорли-гида ўтказилган тад-бирда ҳудудлардан са-раланган 82 нафар ишбилармон қиз ўз биз-нес лойиҳаси билан қатнашди.

Жорий йилда Қон-ликўл касб-хунар ко-ллежини тамомлаган Оразбўйке Мирзабаева мақкур танловда нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир инновацион лойиҳаси билан иштирок этди. Унга "Агробанк"нинг Қонликўл тумани фили-алидан 30 миллион сўм

ҳисса қўшиш. Қола-верса, банк сармо-яси ҳисобидан янги иш ўринлари очиб, тенгдошларимиз банд-лигини таъминлашга ҳисса қўшсак, ўйлаган мақсадимизга эриша-миз.

Дарҳақиқат, ҳунарни инсон кам бўлмайди. Айниқса, катта ҳаётга қадам қўйдиган янги иш ўринлари очиб, тенгдошларимиз банд-лигини таъминлашга ҳисса қўшсак, ўйлаган мақсадимизга эриша-миз.

Дарҳақиқат, ҳунарни инсон кам бўлмайди. Айниқса, катта ҳаётга қадам қўйдиган янги иш ўринлари очиб, тенгдошларимиз банд-лигини таъминлашга ҳисса қўшсак, ўйлаган мақсадимизга эриша-миз.

— Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш мақсадида тузилган лойи-ҳамиз кўллаб-қувватлан-ганидан мамнунимиз, —

дейди Тўрақўрғон иқти-содийёт ва сервис касб-хунар коллежи битирув-чиси Мафтуна Мўминова. — Эчки юнгидан рўмол, шарф ҳамда бошқа тўқувчилик маҳсулотла-ри ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бизнес-режани пухта тузишда мутахассис-лар, айниқса, ота-нам ўз маслаҳат ва кўрсатмалари билан кўмак берди. Тайёрла-наётган маҳсулотларни келгусида экспортга чиқаришни ҳам ният қилганимиз. Бунинг учун "Агробанк"нинг Тўрақўр-ғон филиалидан маблағ ажратилиши жуда катта ёрдам бўлди. Ушбу кре-дит ҳисобига хориждан тўқув дастгоҳлари кел-тирмоқчимиз. Бу эса янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Чиндан ҳам, бошлан-ғич сармо-я ёш ишби-лармон учун катта ма-дад. Танловдан кўзлан-ган устувор мақсад ҳам шу: қизларнинг тадбир-корлик бораидаги исте-ъдоду салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг истиқболли лойиҳалари-ни молиявий қўллаб-қувватлаш. Мазкур жараёнда "Агробанк" ҳам фаол иштирок этаётгани тадбиркор қизлар сафи кенгайи-шида муҳим ўрин тутди.

Ф. ФУРКАТОВ.

Хизматлар лицензияланган.

СПОРТ

Миллий олимпия қўмитасида Япониянинг Майдзүру шаҳри мэри Рёзо Татами бошчилигидаги делегация меҳмон бўлди.

Меморандум имзоланди

Маълумки, 2020 йилда ўткази-ладиган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ушбу шаҳарга "Host town" (қабул қилувчи шаҳар) рас-мий мақоми берилган.

"Host town" дастури доираси-да Майдзүру шаҳри Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилги ёзи Олимпия ва Паралимпия ўйинла-рига пухта тайёрларлик қўришла-рига қўмаклашиш учун уларга ташкилий-техник масалаларни

барча зарур шароитларни яратиш, айниқса, дзюдо ва спорт курашлари бўйича турли ўртолқил мусобақалари, қўшма ўқув-маш-гулот йиғинларини ўтказишни ре-жалаштирган. Шунингдек, таълим, маданият, туризм ва иқтисодий соҳаларда ҳам алоқаларни ривож-лантириш кўзда тутилган.

Музокаралар якунида икки то-монлама ҳамкорлик бўйича мемо-рандум имзоланди.

Равшан Ирматов жаҳон чемпионатида боради

ФИФА рефериси Равшан Ирматов бош-чилигидаги Ўзбекистонлик ҳакамлар брига-даси клублар ўртасидаги жаҳон чемпио-натида тақлиф этилди.

Ирматовга мусобақа давомида қанот ҳакам-лари — Абдуҳамидулло Расулов ва Жаҳонгир Саидов ёрдам беради.

Клублар ўртасидаги ушбу нуфузли мусобақа жорий йилнинг 6 — 16 декабрь кунлари Бирлашган Араб Амирликларида бўлиб ўтади.

О. ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

ЭЪЛОНЛАР

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ

«ЗИЛ-130» шассисидagi ёнғин ўчириш автомобиллари учун қуйидаги эҳтиёт қисмларни

отказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:

- жамланган гилдирак (колесо в сборе) 130-3101012 (диск 7.00-20 ва автошина 9.00 R20) — 98 дона;
- йиғилган цилиндрлар блоқи кистирмиси (прокладка блока цилиндров в сборе) 130-1003020-10 — 48 дона;
- йиғилган шатун (шатун в сборе) 130-1004050 — 7 дона;
- йиғилган сув насоси (насос водяной в сборе) 130-1307009 — 8 дона;
- йиғилган руль гидрокучайтиргичи насоси (насос гидрокучайтирля руля в сборе) 130-3407200-А3 — 7 дона.

Отказиб бериш шартлари — отказиб берувчининг омборидан олиб кетиш.

Тўлов шартлари — миллий валютада, 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — отказиб берилганидан сўнг.

Барча эҳтиёт қисмлар ишлатилмаган ва 2016-2017 йилларда ишлаб чиқарилган бўлиши шарт.

Талабгорлар тижорат тақлифлари билан бирга, юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (гувоҳнома, лицензия), шунингдек, тақлиф этилаётган маҳсулотларнинг мувофиқлик сертификатларини тақдим қилишлари лозим.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 17-уй.

Қўшимча маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқоридаги манзил бўйича ёки қуйидаги алоқа воситалари орқали мурожаат этиш мумкин. Телефон: (0-371) 231-39-66. Факс: (0-371) 234-71-59. E-mail: gupb@mvd.uz

Давлат, хусусий ҳамда бошқа мулкчилик шаклидаги корхоналар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ БОШ БОШҚАРМАСИ

«ЗИЛ-131» шассисидagi ёнғин ўчириш автомобиллари учун қуйидаги эҳтиёт қисмларни

отказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:

- жамланган радиатор қопқоғи билан (радиатор с пробкой в сборе) 131-1301008-Б — 8 дона;
- узатмалар қутиси (коробка передач) 131-1700004-10 — 8 дона;
- жамланган гилдирак (колесо в сборе) 131-3101012 (диск 9.00-20 ва автошина 12.00-20 M-93) — 49 дона;
- ўнг олдинги гилдиракнинг жамланган гўпчаги ва тормоз барабани (ступица и тормозной барабан переднего колеса правая в сборе) 131-3103004 — 7 дона;
- чап олдинги гилдиракнинг жамланган гўпчаги ва тормоз барабани (ступица и тормозной барабан переднего колеса левая в сборе) 131-3103004 — 7 дона;
- орқа гилдиракнинг жамланган гўпчаги ва тормоз барабани (ступица и тормозной барабан заднего колеса в сборе) 131-3104004 Б — 14 дона.

Отказиб бериш шартлари — отказиб берувчининг омборидан олиб кетиш.

Тўлов шартлари — миллий валютада, 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — отказиб берилганидан сўнг.

Барча эҳтиёт қисмлар ишлатилмаган ва 2016-2017 йилларда ишлаб чиқарилган бўлиши шарт.

Талабгорлар тижорат тақлифлари билан бирга, юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (гувоҳнома, лицензия), шунингдек, тақлиф этилаётган маҳсулотларнинг мувофиқлик сертификатларини тақдим қилишлари лозим.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кун мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 17-уй.

Қўшимча маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқоридаги манзил бўйича ёки қуйидаги алоқа воситалари орқали мурожаат этиш мумкин. Телефон: (0-371) 231-39-66. Факс: (0-371) 234-71-59. E-mail: gupb@mvd.uz

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 74 524 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Копия (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Техриратта келган қўғазмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилади. Реклама материаллари учун тақрирнинг жавобгар эмас.

Газетанинг отқазиб берилиши учун обуначи расмийлаштирилган тақлиф жавобгар.

Газета тақрирнинг компьютер марказида терилган ҳамда оператор М. Ёсирмуратов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфия, жабдатки сифатида чоп этилишига "Шарк" нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.

Навбатчи — О. Файзиев.

Мусакххх — С. Исломов.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.20

2 3 4 5 6